



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 август куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда давлат рахбарлари Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари юқори суръатларда ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этдилар.

Ўтган йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркияга ва жорий йил апрель ойи охири — май ойи бошида Туркия Республикаси Президентининг мамлакатимизга тарихий давлат таширфлари икки томонлама кўп қиррали муносабатларни сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариб, аниқ амалий мазмун билан бойитгани алоҳида таъкидланди.

Ўзарo сиёсий мулоқот фаол ривожланиб бормoқда, мамлакатларимиз халқарo ва минтақавий ташиклотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислoм ҳамкорлик ташкилoти ва бошқа тузилмалар доирасида яқин ҳамкорлик қилмoқда, бир-бирини қўллаб-қувватлаб кeлмoқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайимoқда, Ўзарo савдо ҳажми oртмoқда: жорий йилнинг биринчи ярмида ўзарo товар айирбoшлаш қарийб ўттиз фoиздан зиёд oшди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилмоғи) қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Шу билан бирга, белгиланган кенг қўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши маълум даражада ўтган йилларда шаклланган қонунчилик базасига, шунингдек, норма ижодкорлиги жараёни сифатига боғлиқ.

Ушбу йўналишда мавжуд бўлган камчиликлар турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тарқоқ ҳолда тартибга солиш салбий амалиётининг давом этишига олиб келмоқда, бу эса ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзуга келишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кун воқелиги тизимли муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдиришни талаб қилади, уларнинг ечимлари йўқлиги мамлакатда олиб бoрилаётган ислохотларда акс этмoқда. Бирoқ бу бoрада қўлланилаётган норма ижoдкoрлиги ёндашуви қoнун ҳужжатларининг мамлакат иқтисoдиёти тармoқларига таъсирини баҳoллаш зарурятини ҳисoбга oлмаятти ҳамда жaмoатчилик фикрини янoбатга oлган ҳoлда фуқарoларнинг ҳаёти ва фарoвонлигини ишoллашга доир вазифаларга эришишни таъминламаятти.

Шу билан бирга, умумий тусга эга бўлган қoнунлар қўплиги, шунингдек, уларни амалга оширишнинг муайян механизмисиз айрим қарoрларнинг қабул қилиниши, умуман давлат ва жамият ривoжига салбий таъсир кўрсатмoқда, ижтимоий муносабатларни, асосан, қoнунoсти ҳужжатлари билан тартибга солишга олиб кeлмoқда.

Тизимлаштирилган қoнунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллаштириш, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Норма ижoдкoрлиги фаoлиятини такомиллаштириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-бетда).



ОИЛАЛАРДАГИ ФАЙЗУ БАРАКА

жамият фаровонлигини белгилайди

“Андижонда аҳоли зич жойлашган. Бир-иккита завод бир фoиз аҳолиниям иш билан таъминлай oлмайди. Бу ерда oдамларни фақат тадбиркорлик, ҳунармандлик орқали боқиш мумкин. Хонадонларга маблаг киритсак, зарур ускуналар бeриб, ақл билан ишлашни ўргатсак, oдамлар ўзини ўзи боқади. Уйига буюм oлади, боласига китoб олиб бeради, солиққа, электрга пул тўлайди, бюджетга маблаг тушади. Бир йилдан кейин сарфлаган пулимиз икки барoбар бўлиб қайтади. Иқтисодий механизм мана шундай бўлиши керак”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



«Ҳар бир оила — тадбиркор»

“Баъзилар тадбиркор деганда соғин сигирни, фақат санокли oдамларгина тадбиркор деганда oғир аравани тортаётган меҳнаткаш oтни тушунади”. Бу Президентимиз томонидан Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада машҳур давлат ва сиёсат арбоби Уинстон

Черчиллдан келтирилган иқтибос.

Бугун замон ўзгаряпти. Аммо айримларда тадбиркорлик ҳаракатига нисбатан ҳамон эскича қараш шаклланиб қолгани оқибатида бу соҳада кўп нарсалар бой берилди. Кейинги йилларда амалда қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида

олиб бoрилаётган ишлар, тақдим этилаётган имтиёзлар халқимизнинг тадбиркорликка бўлган иштиёқини кучайтириб юборди. Натижада ишбилармонлар сафи кенгайиб, ижобий натижаларга эришила бошланди.



Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

«Ўзбек халқининг адабиётга меҳру муҳаббати барқамизда ҳавас уйғотди»



Инг Ёнг О, Евросий ва турк фанлари институти директори, Донгдук аёллар университети профессори (Жанубий Корея):

— Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёевнинг табригини катта қизиқиш ва диққат-эътибор билан тингладим. Унда давлат раҳбарининг адабиётга, ижод аҳлига бўлган юксак ғамхўрлигини ҳис этдим. Бундай эъзоз ижодкорга қанот бағишлайди, десам, адашмайман. Турли миллатга мансуб

шоир ва ёзувчиларни бир жойга тўплаб, уларни адабий ҳамкорликка чақириш, шу орқали ёшларнинг адабиётга, китобхонликка бўлган меҳрини оширишда мазкур конференциянинг аҳамияти бекиёс.

Мен Ўзбекистондан етишиб чиққан кўплаб илму маърифат эгалари, жумладан, Абдураззоқ Самарқандий, Ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Беруний каби буюк мутафаккирлар яратган асарларни катта қизиқиш билан ўқиганман. Бугун уларнинг маънавий меросини ўрга-

нишга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан ҳайратдаман. Зотан, ўз бобокалонларини улуғлаган халқнинг келажаги порлоқдир. Президентингизнинг ўзбек халқи тарихини ўрганиш, аждоқлардан қолган бебаҳо маданий-маънавий меросни асраб-авайлаш, ўзбек адабиёти намуналарини халқаро миқёсда тарғиб этиш ҳамда ёш авлодларга безавол етказиб бериш борасидаги хайрли ишлари ўрнат олса арзигулиқдир.



Ҳамкорлик

«Мовий контейнер» — тарғибот майдони

Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Санъат ва дизайн соҳасида Германия — Хитой маданий алмашинув бирлашмаси (ДСКД) билан “Янги Ипак йўлида мовий контейнер” халқаро маданий-иқтисодий алмашув лойиҳаси доирасида меморандум имзолади.

“Янги Ипак йўлида мовий контейнер” лойиҳасининг асосий мақсади, аввало, мамлакатлар ҳамда халқлар ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш ва янги bosқичга чиқариш, қoлаверса, улар ўртасидаги иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда мавжудларини янада ривожлантиришга ҳисса қўшишдир.



Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!

Қуролли Кучлар тизимида ҳафтанинг ҳар жумаси — “Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни” деб белгиланди.

Шу йилнинг 4 августида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори имзоланди. Мазкур муҳим ҳужжатдан қўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-

сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда билимларини юксалтириб бoришнинг замонавий усулларини жорий этиш, ички ва ташқи

Муносабат

таҳдидларга қарши мафкураравий иммунитетни шаклланган, бурчига садоқатли, профессионал ҳарбий хизматчиларни тайёрлашдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, миллий армиямизни янада такомиллаштириш борасида

Президентимиз бошчилигида олиб бoрилаётган изчил ислохотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги ҳамда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ватан ҳимоячиларига йўллаган табрикларига ватанпарварлик тарбияси, маънавият ва маърифат масалаларига доимо алоҳида тўхталиб ўтади.



ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Қайта тикланувчи энергия манбалари:

Нега салоҳиятнинг атиги 1 фoизидан фойдаланилмоқда?

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида қулай ташкилий, илмий, иқтисодий ва географик имкониятлар бўла туриб, миллий иқтисодиётнинг энергия эҳтиёжи юқoрилигича қoлмoқда. Қайта тикланувчи энергия манбаларини саноат ишлаб чиқаришига жалб этиш ҳисoбига ёқилғи-энергетика балансини диверсификациялаш даражаси жаҳон тенденциясига жавoб бeрмайди. Қўрилаётган чoра-тадбирларга қарамасдан, бугунги кунда юртимизда мазкур салоҳиятнинг атиги 1 фoизи ўзлаштирилган. Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда бирламчи ёқилғи сифатида, асосан, табиий газ ва бошқа анъанавий углеводород ёқилғи турларидан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб бeриш мақсадида мажус қонун лoйиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати пайдо бўлди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ташкил этилган “Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида”ги қонун лoйиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш бўйича ишни гуруҳининг кенгайтирилган йиғилишида шулар алоҳида кўрсатиб ўтилди. Тадбир қўйи палатанинг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамкорлигида сиёсий партиялар фракциялари иштирокида ўтказилди.

Мазкур қонун лoйиҳаси парламент қўйи палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан ишлаб чиқилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган. Унда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва соҳани ривожлантиришнинг устуворлигини таъминлаш назарда тутилмоқда. Инвестициявий фаолиятни рағбатлантириш, шу жумладан, миллий ва хорижий сармоядорлар учун қулай шароитлар пайдо қилишнинг ҳуқуқий механизми яратилаяпти. Соҳани ривожлантириш мақсадида энергия тарифи сиёсати белгиланмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда — Амалий чора-тадбирлар режаси) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Куйидагилар норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин: қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш;

норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиш;

норма ижодкорлигида “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш;

норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва

Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги тартибни белгилаш

тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин:

давлат органлари томонидан қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ташаббусига факатгина ушбу органларнинг кўтарилаётган масалалар ёки муаммоларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган амалдаги нормалар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳал қилиш ваколати бўлмаган тақдирда йўл қўйилади;

қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини қўллаш, улар қучга кирган пайтдан эътиборан ижросини ташкил этиш юзасидан қўшимча ички идоравий ҳужжатлар қабул қилишга доир мажбуриятлар юклатилмаган ҳолда амалга оширилади;

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш чоғида унга, қоида тариқасида, қонун ва қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш, ташкилий-техник чораларни амалга ошириш, шунингдек, қонун лойиҳасини кенг қўламда тарқатиш ҳамда унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш бўйича масалаларни ўз ичига олган қонун лойиҳасини амалга оширишга доир тадбирлар режасини илова қилади. Бунда тадбирлар режаси қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан маъқуллаш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан унинг ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлаган ҳолда тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида улар қабул қилинганидан кейин алоҳида тадбирлар ва назорат режаларини, шунингдек, “йўл хариталари”ни қўшимча тарзда тасдиқламаган ҳолда аниқ топшириқлар ва уларни амалга ошириш механизмларини белгилловчи нормалар, муддатлар ва масъул ижрочилар мажбурий равишда назарда тутилади;

янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи айнан бир хил юридик

қучга эга ҳужжатни бекор қилиш билан бир вақтда ёки унга тақлиф этиладиган ўзгартишлар киритиш орқали, шу жумладан, уни янги тахрирда баён этган ҳолда амалга оширилиши лозим.

4. Куйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда уч ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, уларга илова қилинаётган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий судига Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ҳамда уларни манфаатдор идоралар билан келишиш тартибини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда илгари фаолият юритган Олий ҳўжалик суди Пленумининг қарорларини хатловдан ўтказиш ҳамда уларни тизимлаштириш, қонунчиликдаги ўзгаришларни, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ноаниқликлар истисно этилишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уларни қайта тасдиқлаш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 1 январдан эътиборан қуйидагиларни тугатиш тўғрисидаги тақлифлари маъқулансин:

давлат органлари ва ташкилотларининг “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами” ва “Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами”га обун а бўлиш;

“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами”, “Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами”ни уларни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) ўтказган ҳолда нашр этиш, бундан архивларда, ахборот-ресурс марказларида сақлаш учун, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар талабларига қўра тайёрланадиган нусхалар мустасно.

6. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

7. Комиссия (Н. Исмоилов):

а) Концепция ва Амалий чора-тадбирлар режасини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқишни ва белгиланган тартибда киритишни таъминласин;

б) Концепцияни амалга ошириш доирасида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, илмий доиралар ва хорижий экспертларни кенг жалб этган ҳолда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот конференцияларини ташкил этсин;

в) бир ой муддатда қонунчилик базасини тўлиқ хатловдан ўтказиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидагилар асосида қайта қўриб чиқиш бўйича тақлифлар киритсин:

аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи (сайлов тизими, архитектура ва қурилиш, таълим, инвестициялар, тадбиркорлик фаолияти ва бошқалар) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизимлаштириш;

амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳолда ижтимоий муносабатларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан амалий ва самарали тартибга солиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида мустаҳкамлаш талаб этиладиган юқори юридик қучга эга нормаларни белгилаш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш;

умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта қўриб чиқиш;

ассосиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмларининг мавжудлиги;

г) икки ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини юқори юридик қучга эга бўлган қонун ҳужжатларига ўтказиш ва “тартибга солиш гильотиnasi” усулини қўллаш орқали қолган ҳужжатларни, шу жумладан, қонунчиликни тизимлаштириш доирасида ҳар бир идоранинг ваколатини босқичма-босқич қамайтириш ва бекор қилишни назарда тутувчи, улар томонидан қабул қилинаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ рўйхатини белгилаш бўйича тақлиф киритсин;

д) икки ой муддатда қонунчиликни тизимлаштириш жараёнида фойдаланиш мақсадида халқаро ташкилотларнинг тақлиф ва тавсиялари, қўриб чиқилиши зарур бўлган халқаро шартномалар талаблари ҳамда мажбурий тартибда rioя қилиниши керак бўлган ва ҳуқуқий базадан чиқариб юборилмайдиган талаблар бўйича ягона оммабоп рўйхатнинг шакллантирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар қуйидагиларни таъминласин:

а) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини ишлаб чиқиш ва синов тариқасида ишга тушириш, бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишиш жараёнини бошқариш ва назорат қилиш, шу жумладан, масъул идоралар, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан лойиҳаларга электрон кўринишдаги виза қўйишни амалга ошириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қўриб чиқиш ва келишиш бўйича идоралараро электрон ҳамкорлиқни, шунингдек, уларни ишлаб чиқиш жараёни мониторинг қилинишини таъминлаш;

лоийҳаларни жамоатчилик ва касбий доирада муҳокама қилиш, шу жумладан, фойда, ҳаражат ва кутилаётган натижалар таҳлилини ҳамда уларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, ижтимоий соҳага, тадбиркорлик фаолиятига, атроф-муҳит ҳолатига таъсирини, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни баҳолаш имконини яратиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари

«Ўзбек халқининг адабиётга меҳру муҳаббати барчамизда ҳавас уйғотди»



Хисао КОМАТСУ,
Токио университети «Хориж тадқиқотлари» бўлими профессори (Япония):

— Халқаро конференция туфайли Тошкент ва Самарқандни қўрганимдан жуда бахтиёрман. Зеро, буни кўп йиллардан буён орзу қилардим. Пойтахтингизнинг қўллаб диққатга сазовор жойларида бўлдим. Мазкур анжуман ўзбек адабиётининг турли йўналишларида тадқиқотлар олиб бораётган олимлар, ўзбек ёзувчи ва шоирлари билан атрофчила фикр алмашиш имконини бергани билан аҳамиятлiligини. Абдурауф Фитрат, Маҳмуд хўжа Бехбудий асарларини япон тилига таржима қилгман. Бу эса ўтган аср аввалдаги ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий муҳит моҳиятини кенгрок таҳлил этиш ва ўрганишга чорлайди. Ютингизда миллий адабиёт ривожига қўрсатилаётган улкан эътибор ушбу конференция

Азизуддин ХУСАЙН,
Жамия Миллий Исламия Марказий университети тарих факультети профессори (Хкидистон):

— Анжуман жуда кўтаринчи рухда ўтди. Ўзбек адабиётдаги муаллифлар ўз хиссиётларини жўшқин, беғубор, соф тарзда ифода этишни ўқувчини таъсирлантиради. Миллий адабиётингизнинг етакчи намояндаси Бобурнинг беназир ижоди ҳинд адабиётига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Буюк ўзбек мутафаккири ва шоири Алишер Навоийнинг Шарқ мамлакатлари адабиётига таъсири жуда қўллаб олимлар томонидан эътироф этилган. Ҳиндистоннинг бир нечта кутубхоналарида Навоийнинг ғазаллар девони ва “Хамса”нинг ноёб нусхалари мавжуд.

Ўзбекистон иiczил тараққий этаётган диёрдир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг табриги менда жуда катта таассурот қолдирди. У кишининг адабиётга меҳру муҳаббати барчамизда ҳавас уйғотди. Табрикдаги ҳар бир сўз, ҳар

ишининг юксак савияда, жиддий ва ишчан руҳда ташкил этилганида ҳам аққол сезилади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг табригидаги “Биз Ўзбекистонда “Адабий дўстлик — абадий дўстлик” деган чуқур маъноли тамоийлга амал қилган ҳолда, жаҳон адабиётининг дурдо-на асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш масаласига гоят жиддий эътибор қаратмоқда-миз” деган пурмаъно гаплар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида Ўзбек адабиётининг хорижий дўстлари кенгашини тузиш ва унинг фаолиятини тизимли асосда ташкил этиш ташаббуси ўзбек адабиётининг бутун дунёга тарғиб қилиниши, ўрганилишига улкан замин яратиши, шубҳасиз.

«Халқ сўзи» мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ ёзиб олди.



Қайта тикланувчи энергия манбалари-дан фойдаланиш соҳасида махсус давлат органининг ваколатлари аниқ қўрсатилиб, унинг ҳузурида соҳани ривожлантиришга йўналтирилган махсус жамғарма ташкил этиш кўзда тутилади.

Тадбирда мазкур қонун лойиҳаси барча сиёсий партиялар фракциялари аъзолари томонидан қизғин муҳокама этилди. Хусусан, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси** фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, қайта тикланувчи энергия манбалари орқали иқтисодий тармоқларини, худудларни, аҳолини узлуксиз энергия билан таъминлаш мумкин. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики янада ривожлантиришга хизмат қилади. Шу сабабли қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларни учун қонун лойиҳасида “яшил тариф”ларнинг жорий этилиши соҳада қулай инвестиция муҳитини яратишга имкон беради. Қонун ло-

йиҳасининг концептуал ғоялари ва нормалари ЎзЛиДеПнинг ғоя ва мақсадларига тўла мослиги қайд этилди.

Ўзбекистон “Миллий тикла-ниш” демократик партияси фракцияси аъзолари партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, муҳокама этилаётган қонун лойиҳасига жаҳон стандартларига тўла мос келадиган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг маҳаллий ишлаб чиқариш қувватлари устувор қўллаб-қувватлаш ҳамда улар экспорт салоҳиятини оширишнинг ҳуқуқий асосларини таъминловчи нормаларни киритиш мақсадага мувофиқлигини таъкидладилар. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали энергетика соҳасидаги барқарорлик ва хавфсизлик, энергия мустақиллиги каби масалалар ҳам ўз ечимини топади. Айни жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари муҳокама этилаётган қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари эса

Жиддий таҳлил ва амалий ечим муҳим

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси яқинда ташкил этилган бўлса-да, ўтган тўрт ой мобайнида қўллаб самарали ташаббусларга қўл урди. Жумладан, **туларни ихчамлаштириш, ёшлар ўртасида китобхонлиқни оммалаштириш, ҳарбий-ватанпарварлиқни янада қучайтириш масалаларида ўрганишлар олиб борилди, тегишли тақлифлар ишлаб чиқилди.**

Бу жараён муттасил давом этириляпти.

Бу ҳақда қўмитанинг ўтган даврдаги фаолияти яқунлари ва истиқболдаги йўналишларига бағишланган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Халқ билан кенг мулоқотни йўлга қўйиш, инсонларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилишга қўмаклашиш ҳам диққат марказида. Жумладан, июль ойига қадар қўмита аъзолари томонидан 3 минг 973 нафар фуқаро қабули ўтказилган, 523 нафар фуқаро мурожаати ўрганилган.

Мурожаатлар таҳлили фуқаролар нафақат шахсий эhtiёжлари, балки жамият манфаатини қўллаб турли масалаларни кўтариб, тақлифларни илгари сураётганини қўрсатмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган маданият ходими Сувон Мелиев хонадонига 60 мингдан зиёд китоблар жамлагани ва ҳовлисига туташ 2 сотих ташландик ҳудудда халқ

либ чиқиб ихчамгина тўй ўтказаятган одамларни намуна қилиб, уларни гапиряпти. Йўқ, бу билан иш битмайди. Биз кўпроқ исрофгарчиликка йўл қўётганлар, никоҳни ўзига хос шоуларга айлантираётганлар билан ишлашни ўрганишимиз, айнан уларга тушунтиришимиз керак. Қўмитанинг бу борадаги фаолияти тўхтагани йўқ, Фикрларни, муносабатларни ўрганмоқда.

Анжуманда қўмита масъуллари келгуси ишлар хусусида ҳам ахборот берди. Жумладан, жорий йил якунига қадар “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг Тошкент шаҳридаги ижросини ўрганиш назарда тутилган. Шу мақсадда қўмита аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа тузилмалар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, вазифалар белгилаб олинди.

Бундан ташқари, қўмита томонидан “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги ҳамда “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлар ижросини ўрганиш режалаштирилгани маълум қилинди.

Халқ сўзи

2018 йил 9 август

миллий базаси тизимини, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда модернизация қилиш:

миллий қонунчиликнинг мавзули маълумотномасини такомиллаштириш;

хаволалар ёки муайян бўшлиқлар мавжудлигини қўрсатиб берган хаволаки нормаларга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни қўшимча ахборот сифатида қўрсатиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига даҳл қилувчи, шунингдек, чет эл инвесторлари учун муҳим аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг чет тилларига расмий таржимасини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги “Қонун ҳужжатларининг таъсирчанлигини баҳолаш тизими” порталининг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишининг ягона электрон тизими таркибий қисми сифатида унга интеграция қилинишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Фанлар академияси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар муддатда илмий эксперт доиралари вакиллари, олий ўқув юртлари талабалари ва илмий даражалар олиш учун талабгорлар томонидан илмий-таҳлилий фаолият асосида ишлаб чиқилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тақлифларни ўз ичига олган онлайн оммабоп ахборот тизимини яратсин ва уни мунтазам равишда янгилаб босин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Концепция ва Амалий чора-тадбирлар режасини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ва ўз вақтида тайёрланиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг ўтказилишини таъминласин;

ҳар ойда Комиссияга мониторинг натижалари тўғрисида ахборот киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти Амалий чора-тадбирлар режасида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда масъул органлар ва ташкилотларга илмий-услубий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан қўмаклашсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Комиссияга норма ижодкорлиги соҳасида илгор хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини, зарур ҳолларда, хорижий (халқаро) ташкилотлар вакиллари жалб этган ҳолда ўрганишни ташкил этишга қўмаклашсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг бадири ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 8 август	

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЁВ

лан ҳамоҳанг равишда саноатнинг барча тармоғида энергия сарфини қамайтиришга, айнққса, келажак энергияси ҳисобланмиш қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга муҳим аҳамият қаратилиши зарур. Чунки бутун республика иқтисодиётини таъминлайдиган электроэнергия манбаининг катта қисми факатгина қазиб олинадиган ёқилғи ҳисобидан олиниши атроф-муҳитга жуда катта зарар етказувчи омил бўлиб қолмоқда. Шу боис Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари мазкур қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлиси муҳокамасига иккинчи ўқишда киритишни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Фракциялараро баҳс-мунозаралар якунида ишчи гуруҳи томонидан ма-ромига етказилган ва иккинчи ўқишга тайёрланган “Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлиси муҳокамасига киритиш учун тақдим этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Қобил ХИДИРОВ.

Масъулиятни дилдан ҳис қилиб...

Шу куни Сенатнинг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини қучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси томонидан ҳам матбуот анжумани ўтказилди.

Комиссия томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолияти мониторингини юритиш, Кенгаш депутатлари ишининг самарадорлигини ўрганиш асосида тегишли тақлиф ва тавсиялар тайёрланди.

Хусусан, Сенатнинг ўн бешинчи ялли мажлисида Андижон вилояти ҳокимининг худудларини ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи эшитилди. Таъкидланганидек, бундай амалиёт маҳаллий Кенгашлар фаолиятида йўл қўйилаётган тизимли қамчиликларни ўрганиш, уларни муҳокама қилиш ва бартараф этишининг самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Шунингдек, Президентимизнинг “Худудларнинг жадал иқтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг жой-

Мунисхон КАРИМОВА.

ОИЛАЛАРДАГИ ФАЙЗУ БАРАКА



— Болам, бу меҳнатимизнинг баракаси, — дейди Булокбоши туманидаги Тошкечик маҳалласи тadbиркори Лутфулло Назириддинов набираси Асилбекка.

1➔

Жаҳон банки томонидан ўтган йили тузилган “Doing business” рейтингда Ўзбекистон 13 поғона юқорилаб, Ер юзидаги икки юздан ортиқ давлатлар орасида 74-ўринни қайд этганлиги ҳам бунинг халқаро миқёсдаги эътирофидир.

Тadbиркорлик қилиб, одамларни иш билан таъминлаган, ўзи ҳам бойиб, бошқаларга ҳам нафи тегаётган ташаббускор ишбилармонлар кун сайин кўпайиб бораётганлиги қувонарли ҳолат. Зеро, ушбу соҳа бозорнинг ўзгарувчан муҳитига тез мослаша оладиган, аҳолининг умумий фаровонлигини таъминлайдиган иқтисодий механизм сифатида дунё таърибасида аллақачон ўзини оқлаган.

СИНАЛГАН ВА САМАРАЛИ УСУЛ

Хитойда яқин-яқингача аҳолини иш билан таъминлаш энг долзарб муаммо саналган. Қолаверса, ички бозордаги истеъмол товарларининг тақчиллиги масалани янада чигаллаштирарди. Ҳукумат тadbиркорликни ривожлантириш орқали мураккаб вазиятдан чиқиб кетишга эришди. Маълумотларга кўра, мазкур мамлакатда хусусий корхоналар умумий ҳажмининг 55 фоизини оилавий тadbиркорлик субъектлари ташкил этади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 85 фоизи айнан шу сектор ҳиссасига тўғри келади.

Ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШда камбағал оилаларнинг моддий таъминотини яхшилаш мақсадида уларга кичик кредитлар кўринишида имтиёзли маблағлар ажратилган ва ўз-ўзини боқиб ушун имконият яратилган. Натижада ўша даврда аксарият оилалар кичик бизнесга асос солдилар. Бугун ушбу сиёсат ўзини оқлаганини ҳаммамиз яхши биламиз. АҚШ иқтисодиётида ушбу соҳа вакиллари улуши 95 фоизга тенг.

Бугунги кунга келиб дунё миқёсида кичик бизнес ЯИМда салмоқли ўринни эгаллапти. Осиё мамлакатлари ялпи миллий маҳсулотининг

82 фоизи, Европа давлатларида 50 фоизи, Лотин Америкасида 70 фоизи тadbиркорлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Германия, Финляндия, Норвегия, Швеция каби ривожланган давлатларда иш ўринларининг қарийб 70 фоизи ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоиздан ортиги ишбилармонлар ҳиссасига тўғри келади.

БИЗНЕС УЧУН БОШЛАНГИЧ САРМОЯ

Ҳўш, ушбу тизим мамлакатимизда қандай татбиқ этилмоқда? У бугун ва эртага қандай самара беради? Унинг афзал жиҳатлари нимада?

Келинг, шу каби саволларга Андижон вилоятида Президентимиз ташаббусига кўра изчиллик билан ҳаётта татбиқ этилаётган “Ҳар бир оила — тadbиркор” дастури ижроси мисолида жавоб излаб, таҳлил қилишга ҳаракат қилсак.

Андижонда бугун 2,9 миллион нафардан зиёд аҳоли яшайди. Ер майдонининг кичиклиги, бироқ аҳоли сонининг муттасил ортиб бориши вилоятда бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ишчилар сонининг ошиши ана шулардан биридир. Айни пайтда вилоятда меҳнатга лаёқатли аҳоли 1 миллион 729 минг 300 нафарга етди. Шундан 145 минг 163 нафари ишсизлардир. Албатта, булар бандлик марказларига иш сўраб мурожаат қилган фуқаролар. Банд бўлмаганлар сони эса амалда бундан ҳам юқори.

Ушбу концепциянинг бевосита Андижонда амалга оширилаётганлигининг инкор этиб бўлмас сабаблари мавжуд эди. Умуман олганда, биргина вилоятда ушбу дастурни бажариш учун 200 миллион АҚШ долларлирик сармоя йўналтирилмоқда.

Вилоятда ташкил этилган махсус ишчи гуруҳ аъзолари 878 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 534 минг 394 та хонадонда бўлиб, оилаларнинг ижтимоий ҳолати ва тadbиркорлик имкониятларини яқиндан ўрганмоқда. Уларга бошланғич сармояни шакллантиришлари учун кредит маблағлари олишлари мумкинлиги ҳусусида маълумот бермоқдалар. Тан олиб айтиш лозимки, ҳар бир оила бундай имкониятни қўлдан чиқаргиси келмайди, бироқ кўндан тўғри ва оқилона фойдаланиш мушкул масала. Шу боис ҳам гуруҳ аъзолари

тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратишяпти.

Ўрганишлар жараёнида ҳар бир оиланинг имконият даражаси яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, 103 минг 541 фуқаро айнан чорвачилик йўналишида ўз бизнесини ташкил этишни хоҳлайди. Уларни қаноатлантириш учун 1 триллион 505 миллиард сўм миқдоридаги маблағ ажратилиши лозим. 27 минг 535 оила соҳиблари эса ўз томорқаларида иссиқхона барпо этишни истайди. Шунингдек, 19 минг 371 хонадон эгаси ҳунармандчилик йўналишида даромад топиш имкониятига эга эканликларини билдирдилар.

Тижорат банкларида эса уларга имтиёзли кредитлар ажратиш аллақачон бошлаб юборилди.

ДУРАДГОР ЭКСПОРТНИ КЕНГАЙТИРМОҚЧИ

Олтинқул туманида ишнинг кўзини биллиб, янгиликка интилаётган, катта даромад топиб, оиласи фаровонлигини таъминлаш истагидаги омилкор инсонларни кўп учратамиз.

— Қизиқишим сабаб ўтган йил охирида томоркамда мўъжазига иссиқхона барпо этдим, — дейди “Сув юлдузи” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Неъматилло Аҳмедов. — Бодринг ва помидор етиштирдим. Даромадим чакки бўлмади. Биргина баҳорги ҳосилдан 5 миллион сўм фойда олдим. Ҳозир жорий мавсумда “қишки далам”ни

ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИгини БЕЛГИЛАЙДИ

мазкур оилавий тadbиркорлик субъектига кредит тақдим этилса, фаолияти янада кенгайиши, шубҳасиз.

КИЧИК ЦЕХЛАР САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА АЙЛанаДИ

“Ҳар бир оила — тadbиркор” дастурини татбиқ этишда туманлар хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашилмоқда. Жумладан, Хўжабод тумани аҳли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳадисини олган. Томорқачиликда асакаликларга тенг келадигани йўқ. Қўрғонтепа туманида эса балиқчиликни ривожлантириш учун қулай шароит мавжуд. Кредит маблағларини ажратишда масаланинг шу жиҳатига алоҳида аҳамият берилляпти.

Хўжабод туманида 10 дан ортиқ йирик, 50 дан зиёд ўрта ва 200 дан ортиқ кичик тўқимачилик корхоналари фаолият юритмоқда. Яъни маҳал-

тиб олишни ва ишчилар сонини 25 нафарга етказишни мўлжалляпти.

ШУндаЙ ИМКОНияТЛАРНИ БОЙ БЕРИБ БўЛМАЙДИ

— Давлатимиз раҳбарининг “Андижонликларга камбағаллик ярашмайди” деган сўзлари мени ниҳоятда тўлқинлантириб юборди, — дейди Шахрихон туманидаги “Гулистон нурли истиқболи” фермер хўжалиги раҳбари Одинахон Отахонова. — Халқимиз учун яратилаётган бундай имкониятларга ўз ҳиссамни қўиш мақсадида аҳолига насли қорамолларни кредит асосида беришга қарор қилдим. Айни пайтда хўжалигимизда 550 бош насли қорамол мавжуд. Шу кунларда 8 миллиард сўмлик маблағ эвазига Германиядан зотдор сигирларни олиб келиш тараддудидамиз. Натижада яна 500 бош қорамол тарқатиш имкониятига эга бўламиз. Ҳар бир сигирни оилаларга тар-



Энг нафис адрасни Андижондан топасиз.

Андижон вилоятида аҳоли сони йилига ўртача ҳисобда 50 минг нафарга кўпаймоқда. Йил охиригача вилоятнинг туман ва шаҳарларида

67347 та

иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Бу мавжуд квоталарни инобатга олган тақдирда ҳам етарли эмас. Шу боис вазиятни “Ҳар бир оила — тadbиркор” дастури орқали ўнглаш мумкин.

кенгайтиряпман. Бунинг учун банкка кредит сўраб мурожаат қилдим. Томорқадан, иссиқхонадан миллионлаб сўм фойда олса бўларкан. Бутун оила аъзоларимиз ҳам бу ишга қизиқиб қолдилар. Шу боис астойдил менга кўмак беришяпти.

Аниқ маълумотларга кўра, олтинқуликлар 1 сотих майдондан 20 миллион сўмгача даромад кўради. Оилалар ихтиёрида ҳамми 2 минг 304 гектар майдондан иборат томорқа борлигини инобатга олсак, йўналтириладиган кредит маблағи аҳолининг нафақат турмуш тарзини яхшилайдиган, балки туманнинг экспорт салоҳиятини ҳам янада юксалтиришга хизмат қилади. Ваҳоланки, биргина мазкур ҳудудда шу кунгача 4 миллион 558 минг долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари ташқи бозорда сотилди. Натижада экспорт қўлами ўтган йилдагига нисбатан 5 баробар ортди.

Инобатхон Шаропова Ижтимоият кўчасида яшайди. Оилада саккиз жон. Уч ўғли биргаликда дурадгорлик чеҳини ташкил этган. Эшик, ром ва стол-стуллар ишлаб чиқаришдади. Улар ўз бизнесларига ён қўшилари-ни ҳам жалб қилишган. Маҳалладошлар дурадгорлар қўлидан чиққан маҳсулотларга пардоз бериш билан шуғулланишди. Маҳалла тикувчиларига ҳам бу ерда иш топилади. Қувонарлиси, улар тайёрлаётган дурадгорлик буюмлари Қирғизистон ва Тожикистонга ҳам экспорт қилиняпти. Агар

лалардаги ҳар учта оиланинг бирида кичик тикувчилик чеҳи мавжуд. Улар йирик корхонадан буюртмасига асосан, маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган. Бу хонадонларга кредит тақдим этилиши уларнинг имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

— Бундан уч йил аввал иккита тикув машинаси сотиб олгандик, — дейди Хўжабод шахрида истиқомат қилувчи Нодирахон Мамедова. — Дастлаб ички бозор эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда кийим-кечак етказиб беришни бошладик. Кейинчалик “Само” корхонаси буюртмаси асосида маҳсулот тайёрлашга киришдик. Натижада оиламиздаги уч нафар аёл доимий даромад манбаига эга бўлди. “Ҳар бир оила — тadbиркор” дастури асосида ажратилаётган кредит маблағи эвазига яна бешта тикув машинаси сотиб олиб, қўшни хотин-қизларни ҳам ишга таклиф этдик. Айни пайтда хонадонимиз мўъжаз корхонага айланган. Даромадимиз аввалгига нисбатан уч баробар ортиши билан бирга, яна беш оиланинг моддий таъминоти яхшиланганидан хурсандмиз.

Мухиддин Қодиров эса ширинлик пиширишни йўлга қўйди. Оила аъзоларидан ташқари яна 3 нафар қўшни аёлини иш билан таъминлади. Бир кунда ўртача 400 килограмм унни қайта ишлаб, 10 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини савдо шохобчаларига етказиб бермоқда. Пировардида ҳар бир ишчи ойига 450 — 500 минг сўмдан иш ҳақи олаётган бўлса, оиланинг ўзи бир ойда 1,5 миллион сўмгача даромад толяпти. Мухиддин аканинг 60 миллион сўм миқдоридаги кредит сўраб қилган мурожаати қондирилди. Энди у мана шу маблағ эвазига ишлаб чиқариш корхонасини кенгайтиришни, янги дастгоҳлар со-

қатишда уларни парваришлаш услуби, озқаси тўғрисида тушунчалар берапмиз.

Оилалардаги тadbиркорликни ривожлантириш уларга кредит маблағлари ажратиш билангина чекланиб қолмайди. Йиллар давомида бу жараён назоратга олиниб, керакли маслаҳатлар, ёрдамлар бериб борилади.

— Ававлари банкдан кредит олиш учун оворагарчиликлар кўп бўлган, — дейди шахрихонлик Лобархон Абдуллаева. — Айниқса, қозғозлик масаласи силламизни қуритарди. Энди бўлса, паспорт билан банкка ҳамда таъминотчига учрашдик, холос. Гаровга ҳеч нима талаб қилинмаслиги бизни ажаблантирди. Шахсан ўзим тўрт бош қорамол олдим. Улардан бир кунда 100 литргача сут соғиб оляпмиз. Ҳар бир литрини 2 минг сўмдан сотиб, кунига 200 минг сўмгача даромадга эга бўляпмиз. Мана шундай имконият яратилмаганда бу даромад қайда эди, дейсиз?!

ОВОРАГАРЧИЛИКЛАРГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

Аҳолини тadbиркорликка йўналтириш, оилавий бизнесни шакллантиришда банкларнинг аҳамияти бекиёс. Шу боис дастур ижросини таъминлашда уларнинг фаоллиги ижобий самара берапти.

— Бу борада муддат ва сифатга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди республика Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси бошлиғи Элёрбек Усмонов. — Яъни фуқарони ортиқча овора қилмасдан, харажат ва ҳаракатни тежаган ҳолда

атиғи бир банк иш кунида кредит маблағини ажратишни йўлга қўйдик. Қолаверса, сармояни тўғри йўналтиришга аҳамият қаратяпмиз. Бунда фуқароларнинг хоҳишидан кўра, имкониятини кўпроқ ҳисобга оляпмиз. Шу тариха 97 фоиз оила билан юзма-юз учрашиб, кредит маблағидан унумли фойдаланиш бора-сидаги тушунтириш ишларини амалга оширдик. Юртдошларимиз тезроқ маблаққа эга бўлиб, ўз бизнесини бошлашга, оиласининг моддий таъминотини яхшилашга, қолаверса, мамлакат иқтисодиёти юксалишига ҳисса қўишни мақсад қилган экан, банк муассасалари ходимлари уларнинг талабини қондиришни ўз бурчи, деб билади.

Булокбоши туманида яшовчи Ҳабибулло Мирзақаримовни “Агробанк” АТБнинг туман бўлимида учратдик.

— Аслида асалари боқини режалаштирган эдим, — дейди у биз билан суҳбатда. — Банк ходимлари оилавий шароитим, қолаверса, хонадоним жойлашган ҳудуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қўй боқини тавсия этишди. Шу билан бирга, қўйни парваришлаш ва ундан фойда олиш сирлари ҳақида маълумот беришди. Қўлимдаги тайёр бизнес лойихаси билан танишиб, қўй боқишга қарор қилдим. Айни пайтда банкка 8 бош қўй учун кредит маблағи ажратишларини сўраб мурожаат қияпман.

«ЮРТИНГИЗДАГИ ШАРОИТЛАР БИЗДА КАТТА ҚИЗИКИШ ЙЎТОҚДИ»

— Мамлакатингизда тadbиркорликни ривожлантириш учун яратилган шароитлар ва бу соҳада фаолият кўрсатаётган соҳа вакиллари-га берилаётган имкониятлар, очғи, мени қизиқтириб қўйди, — дейди хитойлик тadbиркор Хуанг Жун. — Шу боис юртингизда ўз бизнесимни очмоқчиман.

Ҳар бир оилани тadbиркорликка йўналтириш борасида олиб борилаётган сай-ҳаракатларни юқори баҳолайман. Хитойда ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратилади. Деярли ҳар бир оила ўзининг кичик тadbиркорлик лойихасига эга. Тез фурсатларда жадал тараққий топиб бораётган диёрингизда ҳам бу борада мисли кўрилмаган ютуқларга эришилишига ишонаман. Чунки ўзбек халқи ҳам биз, хитойликлар каби жуда меҳнаткаш.

Бугун Андижонга хориждан тaриф буюрувчилар сони кескин ортган. Айниқса, тadbиркорлик қилиш мақсадида келаётганлар кўпчилигини ташкил этади. Ана шулардан бири Саудия арабистонилик Эҳсон Абдуллоҳ бўлиб, у оилавий тadbиркорлик йўналишида қабул қилинган дастурга юқори баҳо берди.

— Андижонда оилавий тadbиркорликни ривожлантириш борасида эркаклар билан бир қаторда хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этаётгани қувонарли, албатта, — дейди у. — Ҳатто коллежни битираётган ёш қизлар ҳам ўз корхонасига эга бўлмоқда. Оддий уй бекаси ҳам беш-олти бош сигир боқиб, оиласига катта даромад келтириши мумкинлиги диққатга сазовор. Зеро, уйда ўтириб даромад топиш, айниқса, хотин-қизлар учун энг қулай бизнесдир.

Кундан-кун ўзгариб бораётган Андижонни ўз кўзи билан кўришга келган лондонлик сайёҳ Мартин Наполи эса бетакор манзаралар билан бир қаторда, олиб борилаётган ислохотларга ҳам ўз муносабатини билдирди:

— Ҳар қандай ривожланган давлат тараққиётига разм солсангиз, унда оилавий тadbиркорликка алоҳида эътибор қаратилганлигига амин бўласиз. Аслида ҳам шундай бўлмоғи керак. Ҳар бир фуқаро Ватан ривожига ўз ҳиссасини қўша бошлабдими, демак, ўша мамлакатнинг келажаги ростдан ҳам порлоқ бўлади.



Андижон шаҳрилик дўппидўз Насиба Ўринбоева: — Меҳнатинг сингган дўппи ўзингга ҳам жуда ярашди-да, қизим.

Юнус БЎРОНОВ,
Хамжон ҲУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хурсандбек АРАБОВЕБ олган суратлар.

«Мовий контейнер» – тарғибот майдони



Мазкур лойиҳа Германиядан Хитой-гача бўлган ўн бир давлат ҳудудидан ўтувчи мовий рангдаги маданий ва иқтисодий лойиҳалардан иборат контейнерлар ортилган поездлар асосида амалга оширилади.

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айна пайтда юртингизда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан кенг қамровли ислохотлар жараёни кечмоқда, — дейди Санъат ва дизайн соҳасида Германия — Хитой маданий алмашинув бирлашмаси раиси Цзянь Го. — Натижада Ўзбекистон ўз эшикларини бутун дунёга очмоқда ва бу жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда. Бундан биз ҳам жуда мамнунмиз. Чунки айнан мана шу сиёсий

янгилаш ва янги тараққиёт босқичида биз ўз лойиҳаларимиз билан Ўзбекистонга кириб келяпмиз.

“Алоқабанк” акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликка тўхталадиган бўлсак, у Ўзбекистондаги халқаро даражада фаолият юритувчи молия муассасаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон нафақат Самарқанд, Бухоро ёки Хива каби тарихий шаҳарларга эга, балки унинг барқарор бугуни, ажойиб келажаги ҳам бор.

“Янги Ипак йўлида мовий контейнер” лойиҳаси орқали халқлар миллий маданияти ва замонавий иқтисодий салоҳияти ҳақидаги маълумотлар ҳамда кўргазмалар олиб келиниши баробарида, Ўзбекистоннинг ҳам маданий ва иқтисодий салоҳиятини иштирокчи давлатлар ҳудудига

тарғиб қилиш имконияти вужудга келади. Ўзаро тажриба алмашиш, ижтимоий ва инвестициявий йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш учун замин яратилади.

Ушбу лойиҳа доирасида Янги Ипак йўли бўйлаб Германия, Австрия, Швейцария, Италия, Греция, Туркия, Эрон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қозғоғистон ва Хитойнинг 25 та йирик шаҳрида ўзаро маданий ва иқтисодий алмашинув бўйича кўплаб тадбирлар, бизнес форумлари ўтказилади.

Германиядан йўлга чиққан мовий контейнерлар поездди сентябрь ойи охирида Тошкентга етиб келади ва бу ерда турли тадбирлар уюштирилади.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!



“Ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда халқимизнинг қадимий тарихи, буюк аجدодларимиз мероси ва уларнинг ҳарбий санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга”, дея алоҳида таъкидлаган эди Президентимиз жорий йил бошида ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқида.

Барчамизга яхши маълум, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади. Зеро, энг қалтис ва таҳликали даврларда ҳам аجدодларимизни ёвларга қарши курашга мардона ундаган, маърифат машъалини баланд кўтариб, жаҳолатга қарши чиқишга чорлаган бекиёс куч маънавий жасорат туйғусидир.

Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани яхши аён. Энг ёмони, ҳуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи тугилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсасига лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилгандир. Шу маънода

олиб қараганда Юртбошимизнинг мазкур қарори нафақат ҳарбий хизматчилар, балки жамиятимиз учун ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида “Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” деган концептуал ғоя асосида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, ҳарбий хизматчиларнинг билими ва маънавий савиясини ошириш, ахлоқий-руҳий хислатлари ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида ҳафтанинг ҳар жума кунини “Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик кунини” этиб белгиланди. Жорий қилинаётган мазкур янгилик буюк аجدодларимиз тимсолида ёшлар ва ҳарбий хизматчиларда жасурилик ҳамда мардлик, фахр ва ифтихор туйғуларини кучайтириш, ҳарбий хизматчилар ҳамда улар оила аъзоларининг маънавий-маърифий билимларини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, юртга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига содиқлик, Қуролли Кучларга ҳурматни шакллантиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг ушбу қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепцияси” ҳам тасдиқланди.

Шунингдек, қарор билан Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардиянинг Қуролли Кучлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда муносиб ҳисса қўшган ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқаролар учун “Маънавий-маърифий ишлар аълочиси” кўрак нишони таъсис этилиши, Мудофаа вазирлигида Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси тузилиши, ҳарбий қисмларда “ҳарбий психолог”, “психолог”, “етақчи социолог”, “ҳарбий қисм командирининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича маслаҳатчиси — Маданият маркази бошлиғи” лавозимлари, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, Қуролли Кучлари Академияси Умумқўшин факультети базасида қўшимча “Қўмондонлик-тактик тарбиявий ва мафкуравий ишлар” мутахассислиги бўйича офицерлар тайёрлаш таълим тизими жорий этилиши миллий армиямида маънавий-маърифий ишлар тубдан такомиллаштирилиши таъминланади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори профессионал, бурчига садоқатли, фидойи ва мард ҳарбий хизматчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

Темур НАРЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги
бўлим бошлиғи, майор.

Баҳоловчи ташкилотлар диққатига!

«Тошшаҳартрансхизмат» АЖнинг «Тошкент трамвайи» унитар корхонаси

ўз балансидаги бино-иншоотларни баҳолаш ва очик аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўрмоқда.

«Тошкент трамвайи» унитар корхонаси мазкур кўчмас мулкларни баҳолаш бўйича мустақил баҳоловчи ташкилотлар ҳамда савдо ташкилотчилари ўртасида танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш истагидаги ташкилотлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида хизматлари нархини кўрсатган ҳолда тижорат таклифларини қуйидаги манзилга тақдим қилишлари лозим:

**Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Лутфий кўчаси, 57-уй.
Мурожаат учун телефон: (0-371) 272-67-50.**

АРМАТУРА

ШВЕЛЛЕР КРУГ

ТРУБА УГОЛОК

БАЛКА

ЛИСТ

ООО «SHARIF-STEEL»

**ООО «Sharif-Steel»,
Ўзбекистон,
г. Ташкент,
массив Сергели,
Южная промзона, 27.**

(95) 177-99-17
(95) 143-77-17
(91) 136-55-53

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 77 972 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6784

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами яқинлашиб келаётгани муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

«МУСТАҚИЛЛИК — 27»

Омонатнинг сақланиш муддати — 18 ой.
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.
Омонатнинг фоиз миқдори — 14 фоиз (йиллик).

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий ва хорижий валюталардаги 30 дан ортиқ турдаги муддатли омонатларни қулай шартларда таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-82-37, 120-82-98, 120-82-65.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	(0-371)	120-83-13	Наманган вилояти филиали	(0-369)	227-15-68
«Автотранспорт» филиали	(0-371)	120-39-95	Навоий вилояти филиали	(0-436)	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	(0-371)	140-39-36	Зарафшон филиали	(0-436)	572-40-14
Юнусобод филиали	(0-371)	150-93-86	Бухоро вилояти филиали	(0-365)	770-05-19
Сергели филиали	(0-371)	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	(0-365)	770-11-27
Тошкент вилояти филиали	(0-371)	120-84-73	Самарқанд вилояти филиали	(0-366)	233-65-47
Анджон вилояти филиали	(0-374)	223-60-74	«Афросиёб» филиали	(0-366)	221-71-76
Асака филиали	(0-374)	233-21-99	Қашқадарё вилояти филиали	(0-375)	221-07-41
«Фарход» филиали	(0-374)	226-96-63	Сурхондарё вилояти филиали	(0-376)	770-82-12
Фарғона вилояти филиали	(0-373)	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	(0-361)	770-60-59
Марғилон филиали	(0-373)	237-62-23	Хоразм вилояти филиали	(0-362)	228-14-81
Олтиариқ филиали	(0-373)	432-19-80	Сирдарё вилояти филиали	(0-367)	225-44-03
Қўқон филиали	(0-373)	542-61-01	Жиззах вилояти филиали	(0-372)	226-43-11

Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

«Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

«КРАНЛАР ВА МАҲСУС ТЕХНИКА» ЗАВОДИ

KRANTAS

ЯНГИ минорали кранлар кўтариш қуввати — 8 — 12 тонна

- Юк кўтариш қуввати 16 тоннадан 50 тоннагача бўлган автокранлар;
- Юк кўтариш қуввати 3 тоннадан 10 тоннагача бўлган кран-манипуляторлар;
- Баландлиққа кўтариш қуввати 11 метрдан 31 метргача бўлган автокўтаргичлар;
- Фургон кузовли юк автомобиллари 3 тоннадан 9 тоннагача;
- Ҳажми 4 дан 16 м³ гача бўлган ёнилғи ташувчи автоцистерналар ва автоёнилғи қуйгичлар;
- Ҳажми 4 дан 12 м³ гача бўлган сув ташиш учун автоцистерналар;
- Вагон-уйчалар;
- 4х4 — 22 ўринли, 6х6 — 26 ўринли вахтали автобуслар;
- Ҳажми 4 дан 8 м³ гача бўлган сугорувчи-ювувчи автоцистерналар (машиналар);
- Ҳажми 6 дан 10 м³ гача бўлган кислота ташувчи автоцистерналар;
- Цистернаси ҳажми 6 дан 8 м³ гача бўлган автогудронаторлар;
- Яримтиркамалар (бортли, тентли-пардали, ёнилғи ташувчи, нефть ташувчи).

Манзил: 100170, Тошкент ш., Зиёлилар к., 1.
Тел./факс: (+99871) 269-15-33, 262-97-78, 262-23-61.
Моб.: (+99890) 315-99-17, 187-52-05, 188-15-33.
E-mail: cst2008@mail.ru, krantas@inbox.ru
Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Махсусот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг стазиб берилиши учун омуни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Набатчи — О. Файзиев.
Муҳаххих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.20 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6